O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 23 январь, № 17 (4170) Сешанба

Қишлоқда муҳташам коллеж

Мамлакатимиз таълим тизимидаги ислоҳотлар боис бугун энг чекка қишлоқларда ҳам замон талабларига мос ўқув масканлари барпо этилаётир. Учқўрғон тумани Каттамўғол қишлоғидаги 540 ўринли агросаноат касб-ҳунар коллежи ҳам шундай даргоҳлардан саналади.

Мазкур коллежни Комилжон Тожибоев раҳбарлигидаги «Сардор» кўп тармоқли хусусий фирмаси қурувчилари сифатли қилиб қуриб беришди. Бу қурувчилар томонидан барпо этилган еттинчи касб-ҳунар коллеждир. Саноат коллежида ёшларни фермер хўжалигини бошқариш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, бухгалтерия ҳисоблари ва бошқа йўналишларда ўқитиш тизими шаклланган.

СУРАТДА: коллеж ўқувчилари Маҳлиё Исомиддинова ва Нигора Асқарова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СИНГАПУРГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Сингапур Республикаси Президенти Селлапан Рам Натаннинг таклифига биноан 2007 йилнинг 24-26 январь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Учрашувлар чоғида томонлар Ўзбекистон — Сингапур муносабатларини кенгайтиришга оид масалаларни, ўзларини қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама қиладилар.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.



Сингапур — Жануби-Шарқий Осиёдаги унча катта бўлмаган орол давлатдир. У кўп сонли майда оролчаларда жойлашган бўлиб, ҳудуди 697,1 квадрат километрни ташкил этади. Оролларнинг энг йириги — Сингапур.

Ўзбекистон Ва Сингапур:

ҲАМКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Ҳудуд жиҳатидан мўъжазгина бўлган бу мамлакат айни пайтда жаҳон иқтисодиётида салмоқли ўрин тутувчи ривожланган давлатлар сирасига киради.

Тарихий манбаларда VII асрда бугунги Сингапур ўрнида малай халқлари истиқомат қилгани ҳақида хабар берилади. Темасек (денгиз порти) номи билан юритилган бу ерда яшаган аҳоли, асосан, балиқчилик хўжалиги ва савдо ишлари билан шуғулланган.

1297 йилдан Темасек Сингапур, деб атала бошланди. У қадимги ҳинд адабий тилида «шер шаҳри» деган маънони англатади. Сингапур Хитой ва Сиамадан Явага, Ҳиндистон ва Яқин Шарқ мамлакатларига олиб борадиган савдо йўллари чорраҳасида жойлашган эди. Бу эса унинг тез гуллаб-яшнаши ва Жануби-Шарқий Осиёнинг йирик савдо марказига айланишига имкон берди.

(Давоми 3-бетда).

Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йилдаги фаолиятини кўриб чиқди. Ушбу масала бўйича Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси Б.Алихонов маъруза қилди. Маърузада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари батафсил таҳлил қилинди, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида қўйган вазифаларни бажариш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга эътибор берилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Муҳокама жараёнида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини таъминлашга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Экологик хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, турли даражадаги давлат органлари ва табиатдан фойдаланувчиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш орқали табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги иқтисодий механизмни янада такомиллаштириш ва жорий этишга алоҳида эътибор берилди.

Экологик вазиятни соғломлаштириш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш қисқарди, суткасига 225 м³ қувват билан ишлайдиган айланма сув таъминоти тизими жорий этилди, 1 минг гектардан кўпроқ майдонда ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, саккизта чанг ва газ тозалагич қурилмалари ҳамда суткасига 100 м³ қувват билан ишлайдиган оқава сувларни тозалаш иншоотлари фойдаланишга топширилди, қайта фойдаланилаётган ишлаб чиқариш чиқиндиларининг ҳажми ошди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг давлат ахборот маркази ва ахборот-таҳлил хизмати ташкил этилди.

Экологияга доир қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш, экология масалаларида аҳолига билим бериш ишлари кучайтирилди. Қизил китобнинг янги таҳриридаги иккинчи жилди, Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг аҳволи ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳақидаги миллий маъруза, Ўзбекистон Республикасининг экологик энциклопедияси, шунингдек табиатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатлар, фотоальбомлар, плакатлар, буклалар, журналлар чиқарилди.

Муҳокамада мамлакатимизнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро конвенцияларга, хусусан Оролбўйи минтақаси, Сурхондарё вилояти ва мамлакатнинг бошқа туманлари атроф-муҳитига таъсир кўрсатиш чегараларо минтақалари билан боғлиқ конвенцияларга риоя этиши масалалари муҳим ўрин тутди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси миллий ижро этувчи агентлиги бўлган олтита халқаро табиатни муҳофаза қилиш лойиҳасини амалга ошириш давом этмоқда. Биологик хилма-хиллик конвенциясини бажариш доирасида "Орол денгизининг қуриб қолган тубида экологик тизимнинг барқарорлигига эришиш" лойиҳасини амалга оширилмоқда. БМТ ТД билан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг биргаликдаги "Атроф-муҳит ва энергетика" дастурини бажариш юзасидан экологик тоза муқобил энергия манбаларини жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. "Эко-Энергия" илмий маркази томонидан кам қувватли қуёш қурилмаларини жорий этиш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича маълумотлар банки ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, Сенат қўмитаси мажлисида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ишида айрим ҳал қилинмаган масала ва муаммолар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Вазирлик ва идораларнинг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни янада такомиллаштириш зарур. Баъзи шаҳарларда атроф-муҳитнинг, сув манбаларининг ва тупроқнинг айрим ингредиентлар билан ифлосланиш даражасини пасайтириш учун зарур чоралар кўрилмаётир.

Сенаторлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2006-2010 йилларга мўлжалланган атроф табиий муҳитни мониторинг қилиш дастурининг амалга оширилишига алоҳида эътибор бердилар. Шунингдек, экологик ва иқтисодий сиёсатни интеграциялаш, экологик параметрларни бозор тизимига жорий этиш ҳамда табиатдан фойдаланувчиларнинг табиий ресурсларни оқилона ўзлаштириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишдан иқтисодий манфаатдорлигини вужудга келтириш мақсадида тармоқни ислоҳ қилишнинг иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш ва босқичма-босқич амалга ошириш зарурлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифлар киритилди.

Муҳокама якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Қўмита мажлисида сенаторлар, Қонунчилик палатасининг депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, иқтисодиёт, молия, соғлиқни сақлаш ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг, Ўзбекистон ноҳукумат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ишларининг боришини ўрганиш ва бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ишчи гуруҳини ташкил этиш тўғрисида

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг бажарилишини чуқур таҳлил этиш ва баҳолаш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилишга оид муҳим тамойил ва ёндашувлар бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда киритиш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ишларининг боришини ўрганиш ва бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ишчи гуруҳи иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Ишчи гуруҳи 1998-2006 йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш якунларини танқидий баҳолаш, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда аҳолининг соғлиғини сақлашни ташкил этиш борасида ҳал этилмаган масалаларни чуқур таҳлил қилиш асосида 2007 йилнинг 1 мартигача Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги масалалар кўзда тутилган аниқ таклифлар киритсин:

а) аҳоли учун давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмини ва давлат ҳамда хусусий тиббиёт муассасалари кўрсатадиган пулли хизматлар улушининг узлуксиз ўсиб боришини таъминлайдиган, юқоридан қуйигача самарали бошқариладиган замонавий соғлиқни сақлаш ташкилий тузилмасини шакллантириш;

б) ўз соҳасида юқори малака, тажриба ва обрў-эътиборга эга шифокор-олимлар ва мутахассислар, соғлиқни сақлаш тизимининг айрим соҳалари бўйича юқори технологияли ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда:

Ўзбекистонда касалланиш динамикаси, турлари ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

тиббиёт амалиётига даволашнинг илғор услублари ва технологияларини жорий этиш, замонавий тиббий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналаридан фойдаланиш асосида юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож беморларни текшириш ва даволаш;

клиника ординатураси орқали шифокор ходимлар малакасини ошириш ва касб маҳоратини такомиллаштириш ишларини ўз ичига оладиган юқори технологияли ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказларни ташкил этиш ва ривожлантириш;

в) касалликларнинг олдини олиш ва қишлоқ аҳолисига сифатли биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш;

г) соғлиқни сақлаш тизимининг кам қувватли, ортиқча ва самарасиз муассасаларини, кейинчалик уларнинг негизида замонавий нодавлат даволаш муассасалари ташкил этиш шарти билан ижарага ёки хусусий мулк қилиб, шу жумладан, уларни нолга тенг қийматда бериш;

д) соғлиқни сақлаш тизимида пулли хизматлар ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришни таъминлайдиган қўшимча имтиёзлар яратиш;

е) аҳоли, айниқса болаларни юқумли касалликлар ва эпидемиялардан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган санитария-эпидемиология хизмати тизимини мустаҳкамлаш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамаси Ишчи гуруҳининг таклифлари асосида 2007 йилнинг 15 мартигача Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг тегишли лойиҳасини тайёрласин ва тақдим этсин.

4. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Р.Азимов ва Р.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 22 январь.

Хушхабар

Кеча Самарқанд автомобиль заводи конвейеридан дастлабки "Исузу" автобуси чиқди.

«Исузу» йўлларимиз кўркига айланади

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида автомобилсозлик саноати алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Асакада ишлаб чиқарилаётган автомобилларимиз нафақат ички бозорни тўлдирмоқда, балки улар давлатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Айтиш жоизки, кеча Самарқандда автомобилсозлик саноатининг янги авлоди дунёга келди. Яъни "Исузу" русумли автобус ва енгил юк машиналарини серияли ишлаб чиқариш бўйича яна бир янги лойиҳа амалга оширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда "Исузу" Моторс лимитед" компанияси ва Самарқанд автомобиль заводи ўртасида техник ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Унда "СамАвто" заводида автобус ва кичик юк машиналарини ишлаб чиқариш технологияларини тақдим этиш кўзда тутилган. Эътиборлиси, аниқ дастурга кўра, жорий йилнинг ўзида 1500 та турли модификациядаги автомобиль ишлаб чиқарилади. Устувор лойиҳада эса, бу миқдорни йилига 4 минг донага етказиш кўзда тутилган.

Маълумот учун айтиш мумкинки, "Исузу" компанияси ўз фаолиятини 1916 йилда бошлаган. Ҳозирга келиб, у автобус, оғир ва енгил юк машиналари, шунингдек, дизель двигателлари ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Хусусан, 2006 йилда ушбу компания томонидан 622 мингта турли транспорт воситаси ҳамда 1 050 000 та дизель двигатели ишлаб чиқарилди.

Тадбирда "Исузу" Моторс лимитед" компанияси ҳамда "Иточу" корпорацияси вакиллари иштирок этди. Улар ҳозир қўйилган қадам Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришига умид билдирдилар.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТЕННИСЧИЛАР — ШОҲСУПАДА

Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимидан жой олган ўсмирлар ўртасидаги халқаро теннис турнирининг жуфтликлар баҳсида ҳамюртларимиз шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллади.

Мусобақада биринчи рақамда сараланган ўзбекистонлик Рифат Биктяков ва Темур Комилов жуфтлиги деярли барча учрашувларни ҳиндистонлик теннисчилардан таркиб топган дуэтларга қарши ўтказди. Саралаш босқичида Кристофер Маркус ва Суданва Ситирам, россиялик Владимир Ляшченко ва ҳиндистонлик Ангел Гладвин Петер, Срирамбалажи Нараянасвами ҳамда Викрам Редди жуфтлигини мағлубиятга учратган ҳамюртларимиз финал йўлланмасини қўлга киритди.

Бош соврин учун ўтказилган беллашувда ўзбекистонлик ракетка усталари мезбонлардан ташкил топган жуфтлик — Акаш Гужарати ва Пражнеш Гуннесваранга қарши кортга чиқди. Учрашувда ҳиндистонлик спортчилар жиддий қаршилик кўрсатишга ҳарчанд уринмасин, ўйинни 7:5, 6:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган Рифат Биктяков ва Темур Комилов мусобақа ғолиби бўлди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

ЭШИТДИНГИЗМИ ?

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 2006 йилда Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,6 миллиард долларни ташкил этди. 2005 йил билан таққослаганда, бу кўрсаткич 40 фоизга кўпдир. Серкуёш юртимиздан Россия ўлкасига мева-сабзавот экспорти ўтган йили тўрт баробарга ёки қарийб миллион тоннага ортди.

Ўзбекистон — умумий уйимиз

КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ — АҲИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Жамиятимиз фаровонлиги ва тараққиётининг бош омили – тинчлик ва барқарорлик, кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг ҳамжиҳатлигидадир. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшамоқда, уларнинг ўзига хос маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш учун барча шароит яратилган. Юртимизда 150 га яқин миллий-маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мазкур марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида 1992 йили Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилди.

Ушбу марказнинг 15 йиллигига бағишланган тадбирлар Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйишдан бошланди. Шундан сўнг пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, юртимиздаги барча миллий-маданий марказлар фаоллари, шунингдек мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари Конституциямизда кафолатланган тенг ҳуқуқларга эга. Улар демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этаётган истиқлолимизнинг энг улуғ неъмати бўлган тинчлик, тотувлик ва барқарорликни асрабавайлаб келаётган Ўзбекистон халқини ташкил этади. Бу борада амалга оширилаётган улуғвор ишлар, қўлга киритилаётган ютуқлар Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори янада ошишига асос бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга қаратилган оқилона, узоқни кўзлаган сиёсати кўпмиллатли халқимизнинг ҳақиқий жипслигига эришиш имконини бермоқда. Бугун жамиятимиздаги маданият, дин ва тиллар хилма-хиллиги ўзбек халқига хос азалий бағрикенглик, саҳийлик ва очиқкўнгиллик фазилатларига асосланган.

Бугун мустақил Ўзбекистонда турли миллат вакиллари учун ҳаётнинг барча соҳаларида яратилган имкониятлар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини ўзида яққол намоён этмоқда. Улар миллий маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини асраш ва ривожлантириш учун барча шароитга эга. Миллий-маданий марказлар бу иш билан фаол шуғулланиб, кўплаб тадбирлар, фестиваллар, концертлар, кўргазмалар ўтказмоқда. Республика ижтимоий ҳаётида иштирок этиш, шу жумладан дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик асосида мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган конференциялар ўтказиш марказлар фаолиятининг муҳим йўналишларидандир.

«Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Кучимиз бирлик ва ҳамжиҳатликда», «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» республика фестиваллари бутун мамлакат бўйлаб муваффақиятли ўтказилди. Уларда юз минглаб ҳамюртларимиз қатнашиб, турли миллат вакилларининг миллий рақс ва қўшиқларидан баҳраманд бўлди.

Бугун ҳаммамиз ягона, аҳил оилада яшамоқдамиз ва ҳар биримиз, миллатимиз ва динимиздан қатъи назар, эл-юртимизнинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшишга интилмоқдамиз. Ватан равнақи йўлида фидокорона ва самарали меҳнат қилиш саховатли заминимизда яшаётган барча миллат вакилларига хос олижаноб фазилатдир. Миллатлараро тотувлик жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлида хайрли ишларни амалга оширишда халқимизга катта куч ва ғайрат бағишламоқда. Бутун ҳаётимизга сингиб кетган мустақиллик ғоялари ана шу ҳамжиҳат муҳитни, эртанги кунга ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ривожланган бозор иқтисодиёти ва кучли демократик институтларга эга эркин давлат қураётган халқнинг бирлигига ҳеч қандай таҳдид раҳна сола олмайди.

Республика Байналмилал маданият маркази мамлакатимизда фуқаролар тотувлиги муҳитини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда. Бу ўзига хос жамоат бирлашмаси пойтахт ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган кўплаб миллий-маданий марказларга ҳар томонлама амалий ёрдам бермоқда. Уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган дунёқарашни шакллантириш учун услубий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Ана шу эзгу мақсадларга қаратилган тадбирлар ўтказишда, тажриба алмашиш, давлат дастурларининг ижросини таъминлашда миллий-маданий марказларга амалий ёрдам кўрсатмоқда. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурига бағишланган кўплаб тадбирлар бунга яққол мисол бўла олади.

Бу борадаги ишлар Ўзбекистонда Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган жорий йилда ҳам давом эттирилади, албатта. Миллий-маданий марказлар мамлакатимизда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, давлатимиз раҳбарининг инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсатини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Республика Байналмилал маркази ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Андижон вилояти Рус миллий-маданий маркази раиси П.Волков Президент Ислом Каримовга мамлакатимизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, турли миллатлар маданиятини ривожлантириш учун барча шароит яратишга қаратилган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирди.

Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш санъат усталари ва миллий-маданий марказлар ижодий жамоаларининг катта концерти билан якунланди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Дилшод ЮСУПОВ олган сурат.

ЎЗАРО ҲУРМАТ МУҲИТИ

умумий уйимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва осойишталикнинг энг муҳим асоси ва гаровидир

Ўтган ҳафтага назар

«Дадил олға интилинг! Фақат интилиш эвазига тараққиётга эришиш мумкин. Ҳар қандай ёрқин ғалаба, катта ёки кичик маънода, жасорат учун берилган мукофотдир».

Буюк француз адиби Виктор Гюгонинг ушбу фикрлари юртимиз аҳлининг сўнгги йилларда қилаётган фидокорона меҳнатининг асл маъносини яққол ифодалайди, десак янглишмаган бўламиз.

Дарҳақиқат, халқимиз кун сайин янги марраларни забт этиб, порлоқ келажагимизнинг пойдеворини янада мустаҳкамлаш йўлида бор кучини сафарбар этаяпти. Ишонч билан айтиш мумкинки, ўтган ҳафта ҳам мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос из қолдирди. Маълумки, бизда янги йилнинг илк кунлари ўтган йилни сарҳисоб қилиб, жорий йил режаларини тузиб олиш яхши анъанага айланган. Шу маънода, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари комплексининг 2006 йил якунлари ва жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор масалаларга бағишланган мажлиси ҳам, Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларининг тўлиқ ва сифатли бажарилиши якунлари таҳлилига оид йиғилиши ҳам Ватанимиз равнақи йўлида қилинаётган ишлар маҳсулидир.

Ўтган ҳафтада қонунчилигимизни янада такомиллаштиришда муҳим ишлар амалга оширилди. Хусусан, матбуотда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири ҳамда «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар эълон қилинди. Биз анчадан буён кутаётган ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар юртимизда ОАВларни ташкил этиш, фаолият кўрсатиши ва соҳадаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар муҳофазасини янада такомиллаштириш борасида алоҳида аҳамият касб этди.

Айтиш лозимки, маҳаллий мутахассислар ва халқаро экспертлар ўтган ҳафтада қабул қилинган ва юртимиз ривожида муҳим ўрин эгаллайдиган бир ҳужжат юзасидан илиқ фикрлар билдиришди. Гап, албатта, Юртбошимизнинг «Геология-қидирув ишларини ташкил қилишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳақида кетаяпти. Дарҳақиқат, мазкур қарорнинг юртимизда геология-қидирув ишларини ривожлантириш давлат дастурларини шакллантириш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини мониторинг қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш, уларнинг фойдали қазилмалар захираларини ўстиришга, илм-фанга асосланган технологияларни жадал татбиқ этишга йўналтириш, тармоқ учун кадрлар тайёрлаш даражасини оширишга қаратилгани, ушбу ҳужжатнинг нақадар муҳимлигидан далолат беради.

Биз мақолани бежиз хорижлик адибнинг фикрлари билан бошламадик. Чунки, ўтган ҳафтада жамиятимиз ҳаётида яна бир ажойиб воқеа рўй берди. 20 январь куни Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллиги гўзал диёримизда тантанали нишонланди. Ўзингиз ўйланг, ҳозир дунёнинг айрим мамлакатларида ўзаро зиддиятлар, миллатчилик ва экстремизм иллатлари аланга олаётган бир пайтда, юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элатнинг тинч-тотув, ҳамжиҳатликда яшаётгани, уларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибатлилиги бошқаларга ўрнак бўлса арзимайдими? Уларнинг мана шу муқаддас юрт тараққиёти учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётгани-чи? Кўз тегмасин, бошқалар мамлакатимиздаги миллатлараро дўстлик ва иноқликни кўриб ҳавас қилишмоқда, керак бўлса, ўрганишмоқда. Ўзбекнинг бағрикенглигига, олижаноблигига тасаннолар айтишаяпти. Демак, барчамиз бунинг қадрига етишимиз, асраб-авайлашимиз зарур.

Ушбу байрамни кузатар эканман, беихтиёр Конституциямизнинг 14 йиллиги арафасида Оқсаройда фан, таълим, маданият ва бошқа соҳалар ходимларининг кўрсатган хизматлари учун тақдирлаш маросими ёдимга тушди. Ўшанда Ўзбекистон халқ артисти Зинаида Соловей минбардан туриб, онасининг Украинадан уникига меҳмонга келганини ва қизини Ўзбекистонда қолишга ундаб, **«Ўзбеклар жуда яхши, меҳрибон инсонлар**. Сен бу ерда нимага интилсанг, ўшанга эришасан, халқ муҳаббатини қозонасан. Фақат шижоат билан ҳалол ишла, ушбу заминни, халқни сев» деганини айтиб берганди. Ўшанда Юртбошимиз шу сўзлар барчамиз учун шиор бўлиб қолсин, деган эдилар. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан 1992 йилда ташкил этилган ушбу марказ бугунги кунда ўз тили, маданияти, санъати, миллий ҳунармандчилиги, урф-одати ва анъанасига эга бўлган миллатлар марказларини мувофиқлаштириш, уларга амалий ва услубий кўмак бериш, ҳар бир миллатнинг ўзига хос удумларини асраш, бағрикенглик тамойили асосида миллатлараро бир-бирини тушуниш, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик фазилатларини сингдиришдек эзгу ишларни амалга оширишда бошқош бўлиб турибди.

Президентимизнинг ушбу ажойиб байрамга бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига йўллаган табригидаги «Инсонлар орасидаги ана шу ўзаро ҳурмат муҳити, улар қайси тилда сўзлашишидан қатъи назар, Ўзбекистон деб аталган умумий уйимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва осойишталикнинг энг муҳим асоси ва гарови бўлиб хизмат қилмоқда» деган сўзлари юртимизда бир оила фарзандларидек яшаётган халқларнинг устувор мақсади — муқаддас заминимизнинг гуллаб-яшнаши эканлигининг ёрқин ифодасидир.

Салим ДОНИЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

УРУҒЛИК ЧИГИТ ТАЙЁР

Оролбўйи миришкорлари кўкламги экиш мавсумига пухта тараддуд кўрмоқда. "Шуманай момиғи" акционерлик жамиятида туман фермерлари учун етарли уруғ ҳозирлаб қўйилди.

Корхона ўтган йили пахтакорлардан ўн минг тоннадан ортиқ хомашё қабул қилиб олган эди. Шу кунга қадар унинг олти ярим минг тоннаси қайта ишланди. Тумандаги 260 фермер хўжалиги билан шартнома тузилиб, экиш мавсумига 133 тонна сифатли, зарарли ҳашарот ва касалликларга қарши дориланган уруғлик чигит тайёрланди.

— Биз 4 миллиард 586 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, ўтган йилни 59 миллион сўм соф фойда билан якунладик, — дейди корхона раҳбари ўринбосари Соҳибжон Қулмуханов. — Ишлаб чиқариш ҳажми ўсгани сайин ишчи-хизматчиларимизнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ошиб бормоқда.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Янгича тафаккур — замон талаби

ГАЗЕТАСИЗ ЯШАШ МУМКИНМИ?

«Мумкин» — дейишяпти Пскент тумани раҳбарлари. Мухбиримиз бунинг сабаблари билан қизиқди.

Обуна мавсумини матбуотчиларнинг ўзига хос хирмон тўплаш палласига қиёслашади. Бу фурсат якунлангач, таъбир жоиз бўлса, ғалвир сувдан кўтарилганда, жуда кўп саволларга жавоб топиш имкони туғилади. Яъни қайси нашр садоқатли мухлисларига эга, қай бири зўрма-зўраки чиқиб турибди. Қолаверса, қайси ҳудудда обуна ишига жиддий муносабатда бўлиндию, қаерда аксинча...

Албатта, обуна масаласи эндиликда эски замонлардагидан фарқ қилади. Буйруқбозлик усули, юқоридан «разнарядка» юбориш орқали иш кўриш ўтмишга айланиб бормоқда. Муштарий ҳам бугун бошқача: ўз ҳақ-ҳуқуқини билади. Мабодо уни ёқмайдиган газета-журналга обуна қилсангиз, аввалгидек, қараб турмайди. Қисқаси, бу борада ҳам демократия бўй кўрсатмоқда.

Ушбу масаланинг яна бир жиҳати борки, уни ҳисобга олмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Агар обуна ўз ҳолига ташлаб қўйилса, натижа умуман бесамар бўлиши ҳеч гап эмас. Яшириб нима қиламиз, жуда кўп ҳолларда оддий шароитда бажарилиши шарт бўлган ишлар ижросини суриштирсангиз, «Ахир бу ҳақда тепадан топшириқ келмади-ку?!» деб тураверишади. Бошқача айтганда, суяги эски замонда қотган айрим кишилар йўргақда теккан одатларидан халос бўлиши жуда қийин кечаяпти.

Қуйидаги мисолга мурожаат қилайлик. Қарийб 90 минг аҳоли яшаётган Пскент тумани иқтисодий салоҳияти жиҳатидан Тошкент вилоятида муносиб ўринга эга. 2006 йилда туманда 33 минг 170 тонна ғалла, 26 минг 258 тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Аммо бутун бошли туманга 2006 йилнинг октябрь, ноябрь, декабрь ойлари мобайнида кунига атиги 15 донагина «Халқ сўзи» газетаси келтирилган. Аниқроғи, ўтган йил бошида газетамиз обуначилари 46 та бўлган бўлса, уларнинг 31 нафари, азбаройи гап эшитмаслик учун, бир йилга эмас, 6-9 ойга ёзилишган, холос. Буёғини сўрасангиз, йилнинг сўнгги чорагида Пскент туман ҳокимлиги умуман «Халқ сўзи» олмаган.

Муҳтарам бошлиқ яна тўрт йил шу тарзда қўл қовуштириб ўтирса, ишончимиз комилки, ҳеч ким унинг олдига келмайди. Ахир, омма билан ишлаш, одамлар кўнглига йўл топиш учун изланиш, ҳаракат қилиш лозим эмасми?

Аввалига биз бу маълумотга ишонгимиз келмади. Туман почта алоқа тармоғига бориб, унинг раҳбари Ҳусан Пармонов билан суҳбатлашганимизда, биздаги ахборот аслига тўғри эканлиги тасдиқланди. Очиғи, газета ва журналлар обунаси билан шуғулланадиган бу идора, бизнинг назаримизда, ўзига хос маърифат булоғини эслатиши, бу масканга одамлар доимо талпиниб туришини тасаввур қилгандик. Бироқ «Ранг кўр — ҳол сўр» деганларидек, уч қаватли бинонинг ярмидан кўп қисми ҳувиллаб ётибди. Бу ерда ишловчилар (жами 56 киши) ўз касбларига меҳр қўйиб, оддий ҳафсала билан ҳам ишхонани файзли даргоҳга айлантириши мумкин эди-ку, деган ўй хаёлимиздан кечди. Гўё шу манзаранинг ўзи ишга муносабатни акс эттириб турарди.

— Шу идорага раҳбар бўлганимга тўрт йил бўлди, — дейди ташрифимиздан унча мамнун бўлмаган Ҳ.Пармонов. — Марҳамат, ким обуна бўламан деса, расмийлаштириб берамиз. Лекин одамлар ўзи келмаса, нима қилишимиз керак?!

Қойил! Муҳтарам бошлиқ яна тўрт йил шу тарзда қўл қовуштириб ўтирса, ишончимиз комилки, ҳеч ким унинг олдига келмайди. Ахир, омма билан ишлаш, одамлар кўнглига йўл топиш учун изланиш, ҳаракат қилиш лозим эмасми? Бу идорадан қоникарли жавоб ололмаганимиздан сўнг туман ҳокимлиги мутасаддилари, шахсан ҳокимнинг ўзи билан учрашмоқчи бўлдик.

Ҳоким ёрдамчиси Жаҳонгир Отақуловнинг айтишича, пастда йиғилиш ўтказаётган, ҳоким ўринбосари Жаҳонгир Мариповнинг сўзича, ҳозиргина шу ерда бўлган ҳоким Комилжон Салимов «Халқ сўзи» мухбири келганлигини эшитгач, ўз ўринбосарининг қилган қўнғироғига бир ярим соатдан сўнг учрашиши мумкинлигини айтди. Шунга ҳам шукр. Кейинги уч ойда «Халқ сўзи»ни қўлига олмаган ҳоким «Шунақаям газета борми?» деганида нима қилардик?!

Биз туман раҳбарига фақатгина иккита савол бермоқчи эдик. Пскентда Маънавият ва маърифат бўйича ҳудудий кенгаш раиси шу уч ой давомида парламент ва ҳукумат муассислигида чиқаётган «Халқ сўзи»га эҳтиёж сезмадимикан? Ахир шу орада газетамизда Президентимизнинг мамлакат тараққиётига дахлдор қатор маърузалари, фармон ва қарорлари чоп этилди. Ўнлаб янги қонунлар эълон қилинди. Зеро, кундалик матбуотсиз, қонунларсиз эл орасида маърифат тарқатиб бўладими? Умуман, туманда «Халқ сўзи»га ўгай кўз билан қараш бу йил ҳам давом этаётганлигига сабаб нима?

Буёғини сўрасангиз, йилнинг сўнгги чорагида Пскент туман ҳокимлиги умуман «Халқ сўзи» олмаган.

Саволимиз ҳокимни ўйлантириб қўйди.

— Йўғ-е, бўлиши мумкин эмас, бу газетани ўқиб турамиз, — деди Комилжон Салимов.

Аниқ маълумотлар акс этган ҳужжатни тақдим этганимизда суҳбатдошимиз ноқулай вазиятга тушди.

Маълум бўлишича, у киши ҳозирги лавозимга йиғим-терим ишлари айни авж паллага чиққанда — сентябрда ўтирган экан. Даладан бери келмабди. Бу гапга ҳам рози бўлайлик. Лекин Пскент аҳли пахта тайёрлаш йиллик режасини ноябрнинг биринчи ярмида уддалаган эди-ку? Худди шу муддатдан сўнг ҳамма жойда 2007 йил учун обуна авжига чиқди. Маълумотга қараймиз: ҳозир Пскент туманига 89 дона «Халқ сўзи» борянти. Йилнинг иккинчи ярмида обуначилар 11 та қолади. Туман ҳокимлигидагилар шу кунда бор-йўғи 1 дона «жиз» этяптими? Бу саволлар бизни ўйлантирмаслиги мумкин эмас, ахир! Тўғри, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ичида телевидение пешқадам, доимо эл назарида. Лекин айтилган сўз ва фикрни фақат эшитиш эмас, балки чуқур англаш, мулоҳаза юритишда матбуотнинг ўрни ўзига хос.

Қуйидаги таҳлилга эътибор қилинг.

Ўтган йил пахта тайёрлаш шартнома режасини республикада биринчилар қатори бажариб, ҳамманинг оғзига тушган Сариосиё ва Қумқўрғондаги обуна хусусида оғиз очсак, рости, ҳеч ким ишонмаса керак. Шу кунларда Сариосиёга бор-йўғи 10 донагина (!) «Халқ сўзи» бораётган бўлса, Қумқўрғонда эса бу кўрсаткич 60 нусхадан ошмайди. «Қовун қовундан ранг олади», деганларидек, қўшни Бандихон туманида «Халқ сўзи» обуначиси атиги 50 нафарга яқин, холос. Ёки бўлмаса, Андижоннинг Бўз ва Булоқбоши туманларида газетамиз обуначиларининг сони 30 дан ошмаганлигига нима дейсиз? Энди ўзингиз ўйланг. Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда матбуотга нисбатан бунчалик бепарволикни қандай изоҳлаш мумкин?

Бу гаплардан хабар топган газетхон бошқа жойларда аҳвол қандай экан, деган фикрга бориши мумкин. Маънавият ва маърифат эъзозланаётган, азалий қадриятлар тикланаётган, ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаётимиз мезонига айланаётган бугунги кунда Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида «Халқ сўзи» обуначилари 301 нафарни ташкил этади. Қашқадарёнинг энг чекка туманларидан бири — Чироқчига ҳар куни 318 нусха «Халқ сўзи» етказиб берилмоқда. Бухоро вилоятининг Ғиждувон, Когон, Вобкент, Қоракўл, Жондор туманларида қарийб 400 нафарга яқин «Халқ сўзи» обуначиси бор. Олис Хоразмнинг Ҳазорасп туманида 369 нусха парламент газетаси ўқилмоқда. Тилга олинган туманларнинг ҳокимлари, маънавият жабҳаси жонкуярлари давр талабини дилдан ҳис этиб, газета-журналлар обунасини яхши йўлга қўйиш учун етарли шароит яратиб беришган. Биз уларнинг бундай эътиборини матбуотга ишонч, маърифатга эҳтиром сифатида қабул қиламиз. Халқнинг ишончи биз, журналистларда масъулият ҳиссини янада оширади, ишимизга танқидий қарашга ундайди.

Яна Пскентга қайтайлик. Бу ерда бўлганимизда туман прокурори Шерали Кўчқоров ҳақ гапни айтди:

— Биз ҳуқуқий давлатда яшаётган эканмиз, қонунларсиз қадам ташлолмаслигимиз турган гап. Қонунлар эса «Халқ сўзи»да расмий эълон қилингандан сўнггина кучга киради. Шу сабаб газетангиз кўпчилик учун энг яқин маслаҳатчига айланган. Биз ундан ҳар куни мамлакатимиз «нафаси»ни ҳис қилиб турамиз.

Кошкийди, тумандаги ҳамма раҳбарлар ҳам шундай фикрлашса, иш бошқача бўларди. Мазкур муаммони кўндаланг қўйишимизнинг сабаби ўзимиз чиқараётган нашрга эътиборсизлик туфайлигина эмас. Аксинча. Бу ўринда бизга эриш туюлган нарса шу бўлдики, дастуриламал бўладиган муҳим ҳужжатлар, парламент қонунлари дастлаб чоп этиладиган, энг тезкор хабар, маълумотлар бериладиган, яшаш, ишлаш, раҳбарлик қилиш учун муҳим қўлланма бўла оладиган матбуотга эътибор шу бўлса, бошқа нашрлар ҳақида нима дейиш мумкин?!

Наҳотки, бугунги кунда матбуотдан, маънавиятдан узоқлашган одамнинг онгини заҳарлаш осон бўлишини тушуниш қийин бўлса?! Газеталарни мунтазам ўқиб борган замондошимиз Ўзбекистонга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини тезроқ англаб етади, кўнглида туғилган ҳақиқатни бошқаларга уқтира олади.

Қани, энди ўзингиз айтинг: бундай ҳушёрлик ва сергакликни пул билан ўлчаб бўладими?! Халқимизнинг босма сўзга нисбатан эътиқодини ҳисобга олсак, даврий нашрлар юзлаб-минглаб тарғиботчилар кучига тенглигини тасаввур этиш қийин эмас.

Масаланинг моҳиятини етарли даражада англаб етиш учун шу кунларда бир имконият яратилганини таъкидлаб ўтишни истардик. Жойларда вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг минтақавий семинарлари давом этмоқда. Машғулотларда кўплаб долзарб вазифалар қаторида Юртбошимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ижроси билан боғлиқ масалалар ўрганилмоқда. Эҳтимол, маънавият ва маърифат ишига мутасадди раҳбарлар бир-бирлари билан матбуотга муносабат ҳақида ҳам фикрлашишар. Бундай ҳолатда хижолат тортган ҳокимлар ўзлари учун хулоса қилишар.

Кўнглимизда шундай савол туғилади: айтаётган гапимиз, ёзаётган сўзимиз кўзланган манзилига етиб бораяптими? Ёки газета тиражининг асосий қисми Тошкентдан, вилоят марказларидан нари ўтмаяптими? Матбуот сўзидан одамларнинг юраги «жиз» этяптими?

Тағин ҳам, ким билади дейсиз. Сўзимиз якунида «Халқ сўзи» саҳифаларида мазкур мавзуга қайтиш, бу борадаги ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилиш таҳририят режасида турганлигини айтмоқчимиз.

Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида



Владимир Путин Россиянинг Европага газ етказиб беришида ҳеч қандай узилишлар бўлмаслигини ишонч билан таъкидлади. У бу ҳақда Германия канцлери Ангела Меркель билан ўтказган учрашувдан сўнг матбуот анжуманида маълум қилди. Россия давлати раҳбари расмий Москва Европага газ етказиб беришда бошқа мамлакатларга қарам бўлиб қолмаслик учун барча чораларни кўраётганини ҳам қайд этиб ўтди.

Ла-Манш қўлтиғида катта миқдорда ёнилғи ортилган «MSC Napoli» юк кемаси сувга ғарқ бўлди. Кемада унча хавфли бўлмаган 200 та контейнер ҳам бор эди. Мутахассислар камида 200 тонна ёнилғи денгизга қуйилиб кетганлигини тахмин қилишмоқда. Айни пайтда қутқарув гуруҳи кемадан ёнилғини тезроқ олиб чиқишга ҳаракат қилмоқда.

Сербияда бўлиб ўтган парламент сайловларида радикал миллатчилар партияси етакчилик қилмоқда. Марказий сайлов комиссиясидан олинган дастлабки маълумотларга кўра, улар 28,5 фоиз овоз тўплашган. Мазкур партиядан мамлакат бош вазирлигига номзоди илгари сурилаётган Томислав Николич амалдаги ҳукуматнинг истеъфога чиқишини сўрамоқда. Президент Борис Тадичнинг Демократик партияси 22 фоиз, бош вазир Воислав Коштуницанинг Сербия Демократик партияси 17 фоиз овоз олиши кутилаяпти.

Буюк Британиянинг «British Airways» компанияси борт кузатувчилари 29-31 январь кунлари иш ташлашмоқчи. Касаба уюшмаси ва компания раҳбарияти ўртасида ўтказилган музокаралар самарасиз якунлангандан сўнг борт кузатувчилари шундай қарорга келишди. Касаба уюшмаси вакили агар бу уриниш ҳам бирор натижа бермаса, жорий йил февраль ойида яна иш ташлаш ўтказилиши мумкинлигини билдирди. Кузатувчилар бундан бир ярим йил олдин касал бўлган тақдирда ҳам ишга чиқишга мажбур этувчи компания ички қоидасининг бекор қилинишини талаб қилишмоқда.

Ироқ пойтахтида тартибсизликларга барҳам бериш учун 3200 нафар америкалик ҳарбий етиб келди. Тез орада мамлакатга яна 18 мингга яқин қўшимча кучлар жўнатилади. Бағдодда ўша куниёқ иккита бомба портлади. Сўнгги хабарларга қараганда, теракт 10 нафарга яқин кишининг ҳаётига зомин бўлди. Бундан ташқари, шанба кунги отишмалар чоғида 17 нафар америкалик ҳарбий ҳалок бўлди.

Дамашқда ўтказилган Маҳмуд Аббос ва «ХАМАС» етакчилари учрашуви самарасиз тугади. Бироқ шунга қарамай, томонлар икки ҳафтадан сўнг музокараларни яна давом эттиришга келишиб олишди. Айни пайтда «ХАМАС» етакчиси Халед Машааль Дамашқда қувғинда яшамоқда.

АҚШ Конгресси сенатори Хиллари Клинтон 2008 йилда мамлакат президентлиги учун бўлиб ўтадиган сайловларда қатнашиш мақсадида биринчи муҳим қадамини ташлади. У ўзининг интернетдаги сайти орқали сайловолди компанияси учун махсус қўмита тузганлигини билдирди. Хиллари АҚШ собиқ президенти Билл Клинтоннинг турмуш ўртоғидир.

Шимолий Корея ўзининг ядро дастурини тўхтатишга розилик берди. АҚШ ва Шимолий Корея делегацияларининг Берлинда ўтказган учрашувидан сўнг томонлар шундай қарорга келишган. Расмий Вашингтон бунинг учун расмий Пхеньянга иқтисодий ва энергетика масаласида ёрдам кўрсатади ҳамда музлатилган ҳисоб-рақамларни бекор қилади. Бу ҳақда «Чосон ильбо» газетаси хабар тарқатди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Халқаро Валюта Жамғармасининг Ўзбекистон ҳақидаги хулосалари Россия матбуоти саҳифаларида

Россияда нашр этиладиган «Мир говорит» («Дунё сўзлайди») халқаро ҳафталик газетасида «Миссияни бажариш мумкин» сарлавҳаси остида Ўзбекистонга бағишланган мақола босилиб чиқди. Унда, хусусан, Халқаро Валюта Жамғармаси миссиясининг Ўзбекистонга ташрифи тўғрисида сўз боради.

Мазкур ташриф чоғида мамлакатимиз билан Халқаро Валюта Жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама этилган эди. Ушбу миссия раҳбари, ташкилотнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директорининг ўринбосари Сена Экен хоним Ўзбекистонда сўнгги икки йилда эришилган ижобий иқтисодий кўрсаткичларни — ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсишининг 7 фоиздан кам бўлмаган юқори суръати ҳамда мамлакат савдо балансидаги катта профицитни қайд этади. Халқаро Валюта Жамғармаси миссиясининг фикрича, Ўзбекистон Марказий банки томонидан пул-кредит сиёсатининг қатъийлаштирилиши, тузилмавий ва солиқ-бюджет ислоҳотлари изчил амалга оширилишининг давом эттирилиши ҳам 2006 йилда иқтисодиётни мустаҳкамлаш борасида қабул қилинган муҳим чоратадбирлардан бўлган.

«Миссия ходимлари мавжуд вазият ва тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, Ўзбекистон иқтисодиётининг 2007 йилдаги истиқболлари ижобий эканлиги тўғрисидаги хулосага келишди», — дея таъкидланади мақолада.

Шу билан бирга, унда Халқаро Валюта Жамғармаси ислоҳотларни амалга оширишда мамлакатга ёрдам кўрсатишга, жумладан, техникавий шаклда кўмак беришга ҳозир экани миссия аъзолари томонидан маълум қилинган.

Россиянинг яна бошқа бир газетаси — «Аргументы и факты»да чоп этилган «Халқаро Валюта Жамғармаси сармоядорларга сигнал бермоқда» сарлавҳали мақолада эса ташриф билан Ўзбекистонда бўлган Халқаро Валюта Жамғармаси миссияси мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатни ижобий баҳолагани таъкидланади.

«Халқаро Валюта Жамғармаси томонидан мамлакатдаги бозор ислоҳотларига бундай баҳонинг берилиши, мавжуд анъанага мувофиқ, Ўзбекистоннинг молиявий жиҳатдан ишончлилиги ва иқтисодий ривожланишининг катта истиқболлари тўғрисида салоҳиятли сармоядорлар учун ўзига хос ишорадир», — деб қайд этилади мазкур мақолада.

З. АЗИЗХОНОВА
«Жаҳон» АА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон ва Сингапур:

ҲАМКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

XIV асрга келиб Сингапур Малакка бўғози ҳудудидаги энг гавжум денгиз ва савдо маркази бўлиб қолди.

XVIII асрда Буюк Британия Малакка бўғозига қизиқиб қолди. 1824 йили Британия империяси жуда қулай жўғрофий жойлашувидан фойланиш ва Узоқ Шарқдаги бош таянч марказига айлантириш мақсадида Сингапурни расман ўз тасарруфига олди.

Сингапур 1965 йил 9 августда бир ярим асрлик мустамлака ва ярим мустамлака қарамлигидан сўнг мустақилликни қўлга киритди.

Тўрт миллиондан кўпроқ нуфусга эга мамлакатда асл келиб чиқиши хитойлик, малайялик, ҳиндистонлик ва европалик бўлган аҳоли вакиллари истиқомат қилади. Кўп миллатли аҳоли қатламларининг расмий тили хитой, малай, тамил ва инглиз тили ҳисобланади. Давлат тили – малайя, маъмурий тил эса инглиз тилидир. Республиканинг аксарият (тахминан 80 фоиз) аҳолиси давлат пойтахти – Сингапур шаҳрида яшайди. Буддизм, ислом, христианлик, индуизм ва конфуцийлик асосий динлардан саналади.

Сингапур – парламент республикаси. 1963 йилдан буён мамлакатда конституция амал қилади. 1996 йили унга айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Президент давлат раҳбари ҳисобланади. У умумхалқ овоз бериш йўли билан 6 йил муддатга сайланади. 1999 йилда бу лавозимга ҳинду Селлапан Рама Натан сайланган эди. 2005 йил у яна 6 йил муддатга қайта сайланди.

Сингапурда қонунчилик ҳокимиятини тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланадиган бир палатали парламент амалга оширади.

Ижро ҳокимиятини эса президент томонидан тайинланадиган Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат ташкил этади. Ли Сянь Лун 2004 йил 12 августдан буён Сингапур Бош вазиридир.

Мустақил Сингапур ташкил топган даврдан буён ҳокимиятни Халқ ҳаракати партияси бошқариб келмоқда. Унинг асосчиси — 1959 йилдан то 1990 йилга қадар мамлакат бош вазири бўлган Ли Куан Ю ҳисобланади.

Ташқи савдонинг ҳал қилувчи аҳамиятга эгалиги Сингапур иқтисодий ривожланишининг ўзига хос жиҳатидир. 2005 йилда ялпи ички маҳсулот 117,08 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, унинг улуши саноатда – 32,6 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасида – 67,4 фоизга тенг бўлди. Иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 6,4 фоизга, олтин-валюта заҳиралари 115,8 миллиард долларга етди. Ташқи савдо айланмаси 2005 йилда 426,7 миллиард доллар бўлиб, унда экспорт ҳажми 232,3 миллиард, импорт эса 194,4 миллиард долларга етди.

Сингапур – савдо, молия, маркетинг ва хизматлар кўрсатадиган, юқори технологиялар ишлаб чиқарадиган, Жануби-Шарқий Осиёнинг муҳим транспорт ва коммуникация тармоқлари кесишган йирик минтақавий ҳамда халқаро марказдир. 2006 йилда Сингапур иқтисодиётига киритилган тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг умумий ҳажми 272 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Уларнинг аксарияти молия, электрон ва электротехника саноати, савдо ва транспорт тармоғига йўналтирилди. АҚШ, Япония, ЕИ ва АСЕАН мамлакатлари асосий сармоядорлар ҳисобланади.

Ўз навбатида, мамлакатнинг хориждаги тўғридан-тўғри сармоялари умумий ҳажми 174 миллиард АҚШ долларига етди.

Сингапур нефтни қайта ишлаш бўйича Хьюстон ва Роттердамдан сўнг жаҳондаги энг йирик марказ ҳисобланади. Кемасозлик ва уларни таъмирлаш, шельфлардаги нефть конларини қазиб олиш учун денгиз қазуви ускуна ва қурилмаларини ишлаб чиқариш айниқса ривожланган.

Мамлакат иқтисодиётида савдо флоти ва денгиз порти жуда муҳим аҳамият касб этади. Савдо флоти жами юк ташиш ҳажми бўйича жаҳонда саккизинчи ўринни эгаллайди. Порти эса контейнерлар билан ишлаш бўйича минтақада пешқадам. Тўрт юздан кўпроқ денгиз йўллари Сингапурни дунёнинг салкам 130 мамлакатидаги 600 дан зиёд бандаргоҳ билан боғлайди.

Чанги аэропортининг аҳамияти ҳам кам эмас. У жаҳондаги энг яхши аэропортлар рўйхатидаги етакчи мавқеини бермай келмоқда. Унинг йиллик йўловчи ўтказиш қуввати 68 миллион нафар авиайўловчини ташкил этади.

Сингапур — йирик молиявий марказ. У банклар, халқаро молия ташкилотлари ва тузилмалари, трансмиллий корпорацияларнинг ваколатхоналари сони бўйича Лондон ва Нью-Йорк шаҳарларидан сўнг дунёда учинчи ўринда туради.

2005 йил якунига кўра, мамлакат банк-молия тармоғида 110 тижорат ва 47 савдо банклари фаолият кўрсатмоқда. Сингапур тижорат банклари активлари ва мажбуриятларининг ҳажми 6,8 фоизга ўсиб, 2005 йил якунига кўра, уларнинг умумий миқдори 425,2 миллиард долларга етди.

Сингапур Республикаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил апрель ойида тан олди. 1997 йил 8 апрелда икки мамлакат ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилди.

Ўзбекистон ва Сингапур ўртасида сармояларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим имзоланган ва у 2003 йил 15 июлдан эътиборан кучга кирган.

Кўпгина муҳим масалалар юзасидан Ўзбекистон ва Сингапурнинг нуқтаи назарлари бир-бирига мос бўлиши баробарида биронбир икки томонлама сиёсий ихтилофнинг мавжуд эмаслиги ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш имконини бермоқда.

Сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги савдо алоқаларининг жадал ривожланаётгани кузатилмоқда. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ичида Сингапур Ўзбекистон билан энг катта савдо айланмасига эга. Хусусан, 2003-2005 йилларда савдо айланмаси ҳажми уч бараварга ўсиб, 2005 йил якунига кўра 76,1 миллион долларга етди (экспорт – 71,2 млн. долл., импорт – 4,9 млн. долл.). 2006 йилнинг 11 ойида эса Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги савдо айланмасининг ҳажми 86,2 млн. долларга тенг бўлди.

Ўзбекистон экспорти таркибида пахта толаси, энергетика маҳсулотлари ва хизматлар, импорт улушида эса электр ва механика асбоб-ускуналари асосий ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари сифатида Сингапур капитали иштирокида тузилган 12 корхона рўйхатдан ўтказилган. Улар машинасозлик, металлни қайта ишлаш, ёғочга ишлов бериш, озиқ-овқат саноати ва савдо соҳаларига ихтисослашган. Уларнинг ўнтаси қўшма корхона бўлса, яна иккитаси тўла Сингапур капитали асосида ташкил этилган.

Сингапур Республикасининг иқтисодий салоҳияти, мамлакат ҳукуматининг компания ва банклар молиявий воситаларини жалб этиш орқали икки томонлама йирик лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этишни назарда тутувчи алоҳида сармоявий сиёсати Ўзбекистон Республикаси билан иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун кенг имкониятларни бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Сингапурга икки томонлама муносабатлар тарихида амалга ошираётган илк давлат ташрифи икки давлат муносабатларида муҳим воқеа бўлади ва сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳамда илмий-техникавий соҳаларнинг жадал тараққиёти учун мустаҳкам асос яратади.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси.

Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Вид деятельности – проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
Системы охраны периметров
Навигационные системы
Системы контроля доступа
Охрана трубопроводов
Безопасность перевозок
Контроль местонахождения транспортных средств
Контроль расхода топлива
Geoquip WORLDWIDE
ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 23 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	980,34	1 Исландия кронаси	17,88	1 Швейцария франки	995,75
1 Англия фунт стерлинги	2453,22	1 Канада доллари	1059, 26	1 ЕВРО	1611,63
1 Дания кронаси	216,33	1 Хитой юани	159,76	10 Жанубий Корея вони	13,23
1 БАА дирҳами	338,23	1 Малайзия рингити	354,56	10 Япония иенаси	102,41
1 АҚШ доллари	1242,20	1 Польша злотийси	418,38	1 Россия рубли	46,86
1 Миср фунти	218,12	1 СДР	1854,90	1 Украина гривнаси	245,98
		1 Туркия лираси	877,57		

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама – бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ВА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ
ҚУЙИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР МУДДАТИ 2007 ЙИЛ 22 ЯНВАРДАН 22 ФЕВРАЛГАЧА
УЗАЙТИРИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
- ГРЕЧИХА ЁРМАСИ;
- ГЎШТ ВА САБЗАВОТ КОНСЕРВАЛАРИ;
- БАЛИҚ КОНСЕРВАЛАРИ;
- ГУРУЧ;
- ЯНГИ МУЗЛАТИЛГАН БАЛИҚ;
- СИГИР СУТИ.
Тендер ҳужжатларини олиш учун 50 000 сўмни Тошкент шаҳри, «Ипак йўли» инновация-тижорат банкининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим: 20210000903962263002, МФО 00444, ИНН 202692074, ОКОНХ 80100.
Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2007 йил 22 февраль соат 17.00 гача.
Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
8 10 998 (371) 169-88-54, 169-88-02.

ТАШКИЛОТ
ҚУРИЛИШ ВА ЕР ҚАЗИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИ, ЖУМЛАДАН
САМОСВАЛ, ЮКЛАГИЧ (ПОГРУЗЧИК) КРАН ВА ЭКСКАВАТОРЛАРНИ
СОТИБ ОЛАДИ.
Таклифлар учун телефон: (371) 120-66-20. Факс: (371) 120-66-30.

"BEUKEVELD EXPORTS BV"
Голландия компанияси
Жаҳонда етакчи бўлган ишлаб чиқарувчиларнинг АРЗОН НАРХЛИ, СИФАТЛИ қишлоқ хўжалиги техникаларини таклиф этади.
Бизда 75-350 от кучига эга бўлган тракторлар, комбайнлар, экин экиш ва ерга ишлов бериш техникалари мавжуд.
Pauny Zanello
John Deere
Батафсил маълумотлар: www.beukeverld.nl веб-сайтида.
Маълумот олиш учун боғланиш:
Бизнинг манзил: Hoekvaartweg 34, 1771 RP Wieringerwerf, the Netherlands (Голландия) тел: 31-227-604300 факс: 31-227-604422 email: info@beukeveld.nl
Минтақадаги ваколатхона: Қозоғистон, Қустанай ш., Бородин к. 235/1 тел: 8 3142 576140 email: intexnika@mail.ru

...ЎЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ

Дунёнинг ҳар қандай ривожланган давлати ҳам табиат синовларидан, яъни, табиий офатлар хуружидан тўлиқ кафолатланмаган. Оммавий ахборот воситалари хабарларида ер юзининг қайсидир бурчагида табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда ҳолатлар юз берганини эшитиб қоламиз. Жаҳон ҳамжамияти бу каби кўнгилсиз воқеалар олдини олишга доимо асосий диққат-эътиборини қаратиб келади.

Табиийки, техноген ҳамда экологик таснифдаги фавқулодда вазиятлар бизнинг республикамиз учун ҳам бегона эмас. Албатта, бундай ҳодисалар юз бермасдан туриб, унинг олдини олган афзал эканлигини яхши биламиз. Мамлакатимизда аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, муҳофаза тадбирларини мунтазам олиб бориш бош вазифа ҳисобланади.

Айниқса, аҳолини содир бўлиши эҳтимоли бўлган турли ҳодисалардан тезкор огоҳлантириш муҳим. Фавқулодда вазиятларда қутқарувчилар маҳоратини ошириб бориш учун эса тез-тез ўқув машғулотлари ўтказиб туриш талаб этилади. Яқинда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Чорвоқ» сув омбори, Қоранкўл қишлоғи ҳамда «Чимён» аҳоли пунктида навбатдаги қўмондонлик-тактик ўқув машқлари бўлиб ўтди.

Тадбирга Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлигининг бошқарма ва бўлим раҳбарлари, туман ҳудудидаги барча корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари, туман фуқаро муҳофаза кучлари ва воситалари, гидромет, хавфли жараёнларни кузатиш хизматлари, ҳокимлик қошидаги эвакуация ва халқ хўжалиги объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш комиссиялари жалб этилди.

— Ўқув машқларининг Бўстонлиқ туманидаги объектларда ташкиллаштирилгани бежиз эмас, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги радиацион кимёвий, биологик (бактериологик) ҳодисалардан аҳолини муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи, подполковник Ҳакимжон Абдулазизов. — Чунки, бу ҳудудда зилзила, сел ҳамда сув тошқинлари, қор ва ер кўчкилари юз бермайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ундан кўзланган мақсад вилоятдаги куч ва воситаларнинг тактик ҳолати, алоқа воситаларининг ишлаш тизимини яна бир бор амалда синовдан ўтказиш, жойлардаги аҳолини фавқулодда ҳолатларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатишдан иборат эди.

Шунингдек, ўқув-машқлари жараёнида маҳаллалардаги махсус хабар бериш тизимлари яхшиланди. Қисқача айтганда, қутқарувчиларимиз ўз олдиларига қўйилган вазифаларни аъло даражада уддалашди.

Огоҳлик машқи

Бизни ноз-неъматлар билан таъминлаб турган она табиатнинг ҳам ўзига хос синовлари мавжудки, кўпинча унинг олдида ожиз қоламиз.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Темур КАРИМОВ
олган сурат.

Фарғона вилояти хўжалик суди томонидан
Фарғона шаҳрида ҳамда Ўзбекистон туманида жойлашган корхоналарга кузатув жорий этилганлиги ҳақида хабар

Фарғона вилояти хўжалик судининг 2006 йил 26 декабрдаги 15-06-02/22013-сонли ажримига асосан Фарғона шаҳрида жойлашган «ФАРҒОНА ГАЗ АППАРАТЛАРИ ЗАВОДИ» масъулияти чекланган жамиятига ҳамда 2006 йил 27 декабрдаги 15-06-09/51-сонли ажримига асосан Ўзбекистон туманида жойлашган «БЎСТОН» масъулияти чекланган жамиятига нисбатан БАНКРОТ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИШГА ОИД ИШ ЮРИТИЛИБ, КУЗАТУВ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН.

1. Фарғона шаҳрида жойлашган «Фарғона газ аппаратлари заводи» масъулияти чекланган жамиятининг банкротлиги масаласи вилоят хўжалик судида 2007 йил 24 февраль куни соат 14.00 да кўрилиши муносабати билан кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2007 йил 20 февраль куни соат 12.00 да корхона биносида ўтказилади.
Корхонага муваққат бошқарувчи этиб суд бошқарувчиси А.Сулаймонов тайинланган.
2. Ўзбекистон туманида жойлашган «Бўстон» масъулияти чекланган жамиятининг банкротлиги масаласи вилоят хўжалик судида 2007 йил 30 январь куни соат 10.00 да кўрилиши муносабати билан кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2007 йил 25 январь куни соат 11.00 да корхона биносида ўтказилади.
Корхонага муваққат бошқарувчи этиб суд бошқарувчиси А.Сулаймонов тайинланган.

Мурожаат учун телефонлар: 224-44-70, 224-28-14.

Шифокор маслаҳати

Инсон ҳамиша тетик ва бакувват бўлиши унинг тўрт мучаси, танасидаги ҳар бир аъзонинг соғлом бўлишига боғлиқ. Аслида кўпинча аҳамият бермайдиганимиз — тишлар ҳам биздан алоҳида эътибор талаб қилади. Уларнинг табассум қилганимизда оппоқ садафдек ярқираб, киши ҳуснига ҳусн қўшишидан ташқари ички аъзолар саломатлигида ҳам муҳим жиҳатлари бор. Зеро, халқимизнинг "Узоқ чайнасанг, узоқ яшайсан", "Тиши бутуннинг — ризқи бутун" каби доно нақллари бежиз тилдан тилга кўчиб келмаётир.

Кўпинча, "боланинг тишини қурт ебди" деган гапни эшитиб қоламиз. Бироқ ҳеч ким ўша "қурт"-ни кўрмаган. Аксинча, бу тишнинг кариесга йўлиқиши, яъни қаттиқ тўқиманинг емирилишидир. Мутахассислар фикрича, дунё миқёсида аҳолининг кўп қисми кариесдан азият чекаркан. Бу ҳолат барчани бирдек ташвишга солиши табиий. Тишларни мустаҳкам ва зиёнсиз асраш учун киши нималарга эътибор қаратиши лозим? Кариесдан сақланишнинг қандай йўллари бор? Бундай саволларга жавоб истаб, пойтахтимиздаги Собир Раҳимов тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмасига қарашли 7-стоматология поликлиникасининг 49-оилавий поликлиника шохобчаси шифокори, стоматолог Мурод МИРЗАБЕКОВга мурожаат қилдик.

ОҚ САДАФЛАРГА ОЗОР ЕТМАСИН

— Касалликни ўтказиб юборгандан кўра вақтида муолажа қилган, даволагандан кўра хатарнинг олдини олган яхши, дейишади. Энг катта бойлигимиз бўлган соғлиғимизга гоҳида бефарқ қараймиз,— дейди М.Мирзабеков. — Айримлар чекишга ружу қўйишади. Бу кишининг ички органлари билан бир қаторда оғиз бўшлиғига ҳам зарар келтиради. Садаф тишлар рангини йўқотади ва заифлашиб бораверади.

— Кейинги пайтларда болалар ва катталар ўртасида тиш касаллиги кўпайишининг боиси нимада?

— Кўп ҳолларда экология, ташқи муҳитнинг салбий таъсири оқибатида болаларнинг тиши туғма нуқсон билан туғилиши ҳамда тез емирилувчанлик юз бериши кузатилаяпти. Сувнинг таркибида фтор, истеъмолда кальций миқдорининг камайиб бораётгани ҳам кариесни келтириб чиқармоқда. Бу ҳолат яна ирсиятга ҳам боғлиқ. Шунингдек, тиш касалликларининг келиб чиқиши организмда керакли витаминлар, минераллар етишмаслигига бориб тақалади.

Бундан ташқари, кичик ёшлилар орасида тиш қатори аномалиялари (тишларнинг қийшиқ ўсиши) жуда кўп учрамоқда. У асосан болаларнинг турли зарарли одатлар чиқариши, сўрғич, бармоқ сўриш, лабини тишлаб юриш каби қиликларни ўзига юқтиришидан пайдо бўлади. Бу ҳолат ҳам тишнинг нотўғри ўсиши ёки ривожланмай қолишига олиб келиши мумкин. Маслаҳатимиз: ана шундай аҳволдаги беморлар вақтида шифокор кўригидан ўтишсин. Чунки ҳозирги пайтда болаларда туғма ёки кейинчалик содир бўладиган қийшиқ тишларни ортодонтиялаш — махсус аппарат ёрдамида тўғрилаш йўлга қўйилган.

— Шифокор сифатида қандай профилактик даво усулларини тавсия этасиз?

— Аввало, оғиз бўшлиғи гигиенасига риоя қилиш, ширинликни меъёрдан ортиқ истеъмол қилмаслик, стоматолог назоратида бўлиш ва таркибида кальций сақловчи таомларни кўпроқ ейиш бу хасталикнинг олдини олишда кўмак беради. Айниқса, ота-оналар, катталар болалар ўйинчоқларининг турига ва тозалигига аҳамият бериши мақсадга мувофиқ. Ўйинчоқлар орқали оғиз бўшлиғи зарарланиши ҳеч гап эмас. Бордию кариес бошлангани сезилса, қўрқмасдан шифокорга мурожаат қилиш даркор. Чунки айни пайтда тиббиётда тишлар ултракаин, суперкаин сингари хавфсиз, оғриқ қолдирувчи дорилар ёрдамида даволанади. Шундай экан, ҳомиладор аёлларнинг ҳам, ёшу кексанинг ҳам на қўрқувига ва на хавотирига ўрин бор. Фақатгина ўз соғлиғингиз йўлида вақтида жон куйдирсангиз бўлгани.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ
олган суратлар.

Дунёдаги энг енгил ноут-бук

Ҳозирда аксарият одамлар иш жараёнида компьютерлардан фойдаланишади. Айниқса, ихчам ва бежирим ноутбуклар уларнинг юмушларини янада енгиллаштирмоқда.

Яқинда Sony компанияси кўча-кўйда, транспорт воситаларида бемалол фойдаланадиган ноут-букни ишлаб чиқарди. Мазкур ноутбук "Vaio G" номи билан аталиб, унинг оғирлиги 898 граммга тенг.

Ноут-букнинг ҳажми кичик бўлса-да, у бажарадиган вазифалар бошқа компьютерлардан қолишмайди. Ноутбукнинг дисплейи 12,1 дюмга тенг. Қурилма Celeron, Core Solo U1300 ва U1400 процессорлари, 40 ҳамда 80 гигабайтли қаттиқ диск, Bluteooth, Wi-Fi модуллари билан жиҳозланган. Ушбу янгилик ўзининг ўта кичик вазнидан ташқари узоқ муддат ишлаши билан ҳам ажралиб туради. Японияда маҳсулотнинг савдога чиқарилиши жорий йил декабрь ойига мўлжалланган. Маҳсулот 1881 доллар дея баҳоланмоқда.

Хабарингиз борми?

Айни тиғиз маҳалда қаергадир шошилинч қўнғироқ қилмоқчи бўлиб, телефон гўшагини кўтардингиз. Буни қарангки, аксига олиб, шу пайтда алоқа узилибди. Гўшакдан ҳеч қандай овоз эшитилмаяпти. Қандай аҳволга тушасиз? Албатта, қаттиқ асабийлашасиз, шундай эмасми? Чунки ишингиз битиши шу телефонга боғлиқ бўлиб турибди-да.

Кабель ўғрисига тузоқ топилди

Носозликдан ранжиб, айбни дарров алоқа тизими ходимлари зиммасига юклашингиз турган гап. Бироқ ҳар доим ҳам бундай хулосага келиш тўғри эмас. Гап шундаки, ҳозиргача телефон тармоқларидаги кичик кабеллар ўтган ҳудудларда назорат ўрнатиш имконияти йўқлиги баъзи дили нопок кимсаларга қўл келиб, ўғирлик қилишларида қийинчилик туғдирмасди. Оқибатда тармоқда турли хил узилишлар қайд этилар, нафақат қонунбузарларни аниқлаш, балки зарар етган худудларни қидириб топиш ҳам осон кечмасди. Илмий-техникавий ва маркетинг текшириш маркази мутахассислари А.Ҳудойбердиев, М.Муҳитдинов ва Р. Сайфулин томонидан яратилган ихтиро эса, шубҳасиз, ана шундай салбий ҳолатларга барҳам беради. Бошқача айтганда, энди кабель ўғриларини осонлик билан тузоққа тушириш мумкин. Қандай қилиб дейсизми?

Мутахассислар ишлаб чиққан тизим электрон қисмлар ва дастурли бошқарувдан иборат. Бу тизимнинг бошқаларидан афзаллиги шундаки, у қўшимча жуфт кабелларни талаб қилмайди ва бир вақтнинг ўзида 256 тагача кабель назоратини қамраб олади. Бутун жараённи кузатиш эса атиги бир неча сонияларни ташкил этади, холос. Мабодо, юқорида қайд этилганидек, кимдир алоқа тизимига зарар етказгудек бўлса, шу заҳотиёқ қонунбузарлик содир этилган сана, вақт, жой номи ва абонент манзили маълум бўлади. Назорат станцияси пульт ёрдамида бошқарилади. Аниқланган салбий ҳолат тезда бартараф этилиб, алоқадаги носозлик тикланади.

Мазкур тизим махсус гувоҳномага эга. "СОКСС-2006", яъни «Кабель тармоқларини қўриқловчи шакли», деб аталувчи бу ихтиро ўтган йилнинг октябрь ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган "ICT Expo — 2006" ахборот технологиялари биринчи миллий кўргазмасида намойиш этилди. Янгилик алоқа соҳасидаги маҳаллий ва чет эллик мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. "СОКСС-2006", шунингдек, рационализаторлик таклифлари бўйича ноябрь ойида ташкил этилган танловда ҳам намойиш этилиб, иккинчи ўринга лойиқ, деб топилди.

Муаллифлар янги тизимни телекоммуникация тармоқларида ўрнатиш ва ундан фойдаланиш алоқадаги кабель тармоқларининг тезкор қўриқланишига ишонч билан қарашади. У ўғирликларни бартараф этади, зарар етган ҳудудларни аниқлашда молиявий йўқотишлар ва иш вақтини тежайди. Абонент тармоқлари ривожи ва уларнинг кенгайишига ҳисса қўшади.

"СОКСС-2006" тизимининг тажриба намунаси 2006 йилнинг июль ва октябрь ойларида Олмалиқ телекоммуникация тармоқларида синовдан ўтказилди. Синов ишлари муваффақиятли якунлангач, у ана шу ҳудудда доимий иш жараёнига ўрнатилди. Яқин вақт ичида бу тизимнинг республикамиз бўйича оммавийлашиши кутилмоқда.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

Российский линолеум
Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск
тел. 134-48-11
факс 134-49-58

«Ўзавтойўл» ДАК Ихтисослашган «Автомагистрал» автомобиль йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси жамоаси Умумфойдаланув автомобиль йўллардан фойдаланиш бўлими бошлиғи Абдусалом Алимовга падари бузруквори **Муқим ота АЛИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 053. 38237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 23.20 23456